

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида)

2025 йил 18 март куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Юлдашева, судья ёрдамчиси Ж.Ўраловнинг котиблигида, томонлардан Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Шайдуллаев, судланган Хамроқулов Хабибулло Хамрақул ўғлининг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланган

Хамроқулов Хабибулло Хамрақул ўғли (Хамроқулов Хабибullo Хамрақул о'g'li), 1996 йил 23 октябрь куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, Термиз шаҳар, “Мажнунтол” маҳалласи, Ат-Термизий кўчаси 4-бурилиш, 23-уйда яшовчига нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги судланган Х.Хамроқуловнинг аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2023 йил 4 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 3 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 22 ноябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 10 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Суд мажлисида Х.Хамроқулов судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, ҳозирги кунда ҳеч қаерда ишламаслигини, оилада ягона боқувчи эканини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, суднинг ҳукми билан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Суд мажлисида Х.Хамроқулов судда, илтимосномасини қувватлашини, ҳозирги кунда ҳеч қаерда ишламаслигини, оилада ягона боқувчи эканини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга



олиб, суднинг ҳукми билан тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 1-қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтагандан кейин қўлланилиши мумкин.

Термиз шаҳар ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг 2025 йил 5 мартдаги маълумотномасига кўра, Х.Хамроқуловнинг қўшимча жазони 1 йил 5 ой 3 кунини ўтаган бўлиб, ўталмаган қисми 1 йил 6 ой 27 кунни ташкил қилади.

Суд, иш ҳужжатларини ва тақдимномани атрофлича ўрганиб чиқиб, туман прокурор ёрдамчисининг фикрини тинглаб, тақдимномани кўриб чиқиш куни ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига кўрсатилган жазо муддатининг учдан бир қисмини, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини ариза кўриб чиқиладиган кунга келиб 1 йил 5 ой 16 кун муддатини ўтаганлигини эътиборга олиб, Х.Хамроқуловни ўталмай қолган 1 йил 6 ой 14 кун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси ва ЖПКнинг 423-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Хамроқулов Хабибулло Хамрақул ўғлининг аризаси қаноатлантирилсин.

Хамроқулов Хабибулло Хамрақул ўғли (Хамроқулов Хабибулло Хамрақул о'ғ'ли) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмаган 1 йил 6 ой 14 кун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.



Х.Хамроқуловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

С.Юлдашева

Аслига тўғри: _____

